

Уйку учти, жонга тушти валвала,
Неча хублар сори ўгрин кўз сола?
Бу ёруглук жумла хублар юзидур,
Бир бахона беш эмастур машъала.

* * *

Мен тилармен васлинг охи сард ила,
Дийдаи гирёну рўи зард ила,
Заррае кўнглунга таъсир айламас,
Неча кун нолиш килурман дард ила.

* * *

То хаётингдин кишиким махл ўла,
Кечмагай ёриндин улким ахл ўла,
Цўймагил бизни ракиб сўзн била,
Ўзга ён хар дам эгилмак сахл ўла.

Эй кўнгул, бу йўлда не гамдур санга
Ким, хаёли ёр байрамдур санга.
Севдуиг ўз хаддингдин ортук ёрни,
Гар сени куйдурсалар камдур санга!

* * *

Фуркатингни чеккали жон кайдадур,
Сабр этарга сенсиз имкон кайдадур.
Бизни бир йўли фаромуш айладинг,
Ул бурунки ахду паймон кайдадур?

* * *

Гар сайр учун ул мохи тобон чикадур,
Кўл солиб, этак йигиб хиромон чикадур
Чун жилва килиб ногахон бокса киё,
Хар бир бокишига юз сучук жон чикадур.

* * *

Хар нечаким сарв коматлар кўпар,
Сизга ўхшаттим, киёматлар кўпар.
Ул балолик кошким киёлаб ётур,
Хар замон ондин киёматлар кўпар,

** *

Улки шамшири жафо илкиндадур,
Дард агар берса даво илкиндадур.
Дуняликта менда бил бордур кўнгул,
Ул даги бизни вафо илкиндадур.

* * *

Сурати Юсуф, нигоро, сендадур,
Доим анфоси Масихо сендадур.
Юзум ўлди заъфарон дард илкидин,
Кил иноятким, мудово сендадур.

* * *

Бевафолик ичра равнакму бўлур?
Даъвии меҳр айласа ҳакму бўлур?
Бир согинсанг бизни ою йил керак,
Яхшиларнинг меҳри мундакму бўлур?

* * *

Дилбаро, Юсуф жамоли сандадур,
Дилраболикнингки холи сандадур.
Умр кечти-ю, мени бир сўрмадинг,
Бевафоликнинг камоли сандадур.

* * *

Хар неча жавру жафолар сандадур,
Юз чевурман токи жонлар тандадур.
Бевафоликни кўруб узмас умид
Бас, катик жонлик кўнгулким мандадур.

* * *

Шеваким, ул сарви озодимдадур,
Хам магар ул мохи Навшодимдадур.
То абад ҳаргиз унут бўлгуси йўк,
Бу жамолу хуснким ёдимдадур.

* * *

Бу не кошу гамзаи айёр эрур?
Бу не шаклу шевау рафтор эрур?
Сизга осондур агар мен бўлмасам,
Сенсизин лекин манга душвор эрур.

* * *

Улки халк они малоҳат кони дер,
Рух они хусн ичра хублар хони дер.
Ўртади, кул килди бизни ишк ўти,
Ул жихатдин бизни оташдони дер.

* * *

Шева ул сарви равонднн хуш турур,
Ноз ўшул жони жаҳондин хуш дурур.
Мен севармен, ул мени севмас, дариг,
Бу севишмак икки ёндин хуш турур.

* * *

Кимки жонлик бўлса жонони керак,
Хастани, албатта, дармони керак.
Бир неча кун ҳар киши севгай вале
Бу муҳаббатнингки поёни керак.

* * *

Жоми ишрат ҳар қачон нўш айласанг,
Гамза бирла бизни мадхуш айласанг.
Хизматингда тутмас эрдим бу умид
Ким, мени мундок фаромуш айласанг.

* * *

Эй сенинг хар бир карашманг котилим,
Ўтти Мажнундин менинг дарди дилим.
Кўнглум ўртанди, доги жоним чикар,
Ишкингиздин ушбулардур хосилим.
* * *

Ул менинг жони жахонимга салом,
Жондин ортук меҳрибонимга салом.
Бир замон холи эмасмен ёдидин,
Муниси жони равонимга салом.
* * *

Хусн элинннг хони бордн, нетайин?
Ахли диллар жони бордн, нетайин?
Шўри ншкин кўйди кўнглум бошига,
Ул малохат кони борди, нетайин?
* * *

Йиллар учтум гарчи ишкиыг болидин,
Топмадим бир зарра огзинг болидин.
Чун санга ишк эмгаки тушмайдурур,
Не билурсан хасталарнинг нолидин?
* * *

Эй висолинг давлати ахли футух,
Зулфу юзунг ёдидур ороми рух.
Гар илик тутсанг равон туткин, бегим,
Сабри Айюб бўлса, йўктур умри Нух.
* * *

Сенсизин айшу сурурим колмади,
Йигламоктин кўзда нуриим колмади.
Ул куёш юзунгдин айрулгон учун,
Кайгудин зарра хузурим колмади.
* * *

Сайд килди бизни жайрон кўзлари,
Делва бўлди жон, эшитиб сўзлари.
Ёр агар килса иноят, не ажаб,
Кулни чун девона килди ўзлари.
* * *

Гар кўнгул севди сени кон килмади,
Куч била ўзини хайрон килмади.
Сиздин ушмунча вафосизлик кўруб,
Эътикодим зарра нуксон дилмади.
* * *

Кўргамен ногах янгокинг вардини,
Тортгамен кўзга аёкинг гардини.
Топкамен деб васлидин бир кун даво,
Тортарам доим фирокинг дардини.